

Хабар

53
(954)-son

31-dekabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

Янги йилнингиз
муборак бўлсин!



Ушбу сонда:

- Муҳокамада яна ижро интизоми 2
- Ахборот тармоғи — замонавий билимлар калити 5
- Сервис доступа к информации Desk.uz 6
- Энг оммалашган веб-сайтлар 11
- Янги йилдаги турфа одатлар 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Умидимиз катта

Бири иккинчисини ортда қолдириб, бошланган улкан бунёдкорлик ишларни давом эттириб ва тўлдириб йиллар ўтиб борапти. Мустақиллик даврининг яна бир varaғи тарих зарварақларидан жой олмокда.

Баркамол авлод йилида республика-мизда ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилди — янги лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар ёшлар ихтиёрига топширилди, кўплаб поликлиника ва спорт иншоотлари қуриб битказилди, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор лойиҳалар асосидаги эзгу ишлар бошлаб юборилди.

Бизнинг “Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси” филиалида ҳам ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси яхши йўлга қўйилган, спортнинг барча турлари билан шугулланишлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонамизда ишлаб, ТАТУ ва соҳага оид коллежларда таълим олаётган ёшларнинг контрактўлов пуллари ишхонамиз ҳисобидан тўланмокда. Уларни соғломлаштириш, маънавиятини бойитиш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилди.

Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, филиалимизда мустақиллик муносабати билан улкан ишлар амалга оширилди. Алоқа сифатини яхшилаш мақсадида замонавий техника ва технологиялар сотиб олинди ва шунга мос ҳолда ходимлар малакаси ҳам оширилди. Бугунги кунда корхонамиз алоқачилари халқаро сифат сертификати талаблари асосида ишламоқдалар. Уларнинг янги йилдан умидлари катта.

Ўтган 2010 йилда шахсий ҳаётимда ҳам эсда қоларли воқеа содир бўлди — кўп йиллик меҳнатларим ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолашиб, Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи” фахрий унвони билан мукофотландим. Бу мукофот нафақат менга, балки кўпкишилик жамоамиз аъзолари меҳнатига ҳам берилган баҳо деб ўйлайман. Негаки, корхонамиз эришадиган муваффақиятларда оддий диспетчердан тортиб, бўлим бошлиқларигача барча-барчанинг ҳиссаси улкан.

Мен ўзим ва аҳил жамоамиз номидан республикамиз барча аҳолисини, жумладан, алоқа соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳамма ҳамкасбларимни қириб келаётган 2011 йил билан табриклайман. Ўзларига соғлиқ, оилаларига хотиржамдик тилайман.

Шухрат КАРИМОВ,
“Тошкент телеграф-телефон станцияси”
филиали директори ўринбосари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган алоқачи

Jumadan Jumagacha

Германиянинг Тройсдорф шаҳрида ўтказилган "Ротари клуби" аъзолари йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг парламент палаталари қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги бош консулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Баркамол авлод йили Давлат дастурига мувофиқ, Тошкент вилоятида жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган ушбу тадбирда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрғаниш институти ҳамкорлигида "Мамлакатимиз аграр соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" ҳамда "Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришда фермер хўжалиқларининг ҳиссаси" мавзуларида семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ташаббуси билан "SMS-to'lov: электрон тўловларнинг ноёб тизими" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида анъанавий ўтказилаётган "Энг илгор мутахассис" танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қўйи босқичларда юқори натижага эришган Мудофаа вазирлиги қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари вакиллари қатнашди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Келажак овози - 2010" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида йилнинг сўнгги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев бошқарди.

Йиғилишда яна ижро интизоми Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги ҳудудий бўлинмалар фаолияти мисолида кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Агентликнинг ишлар бошқармаси бошлиғи Ф.Пирмуҳамедов маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, Агентликнинг 2010 йил 5 майдаги 17/116-хфу-буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида "Агентликнинг ҳудудий бошқарма-

тизомига риоя этиш ва уни мустақамлаш бўйича амалга оширилаётган фаолиятларини янада тақомиллаштириш зарур. Шунингдек, ўрганишларда "ЎЗИ-Қарши", "Қашқадарё Телеком" филиаллари, Қашқадарё вилояти радиотелевизион узатиш маркази, Қашқадарё вилояти АКМ, ТАТУ Қарши филиали, Республика ахборот-кутубхона марказининг "Турон" ва "Билим" АКМларида ижро инти-

зуғурта қилишнинг илмий асосларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва унинг асосида тегишли метёрий база ишлаб чиқиш дастурини тасдиқлади. Шу мақсадда "UNICON.UZ" ДУК ҳамда "ALSKOM" суғурта компанияси мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ахборот хавфларини суғурта қилиш қоидалари, ахборот тизимлари қийматини ҳисоблаш услубиёти, зарарни баҳолаш ва суғурта қопламаси қийматини белгилаш услубиёти, ахборот тизимлари хавфсизлиги экспертизаси (аудит)ни ўтказиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу метёрий ҳужжатлар Агентликнинг 2008

Муҳокамада яна ижро интизоми

лари ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларида ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш жадвали"га мувофиқ ишчи гуруҳ томонидан шу йилнинг ноябр ва декабр ойларида Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудий бошқармаларида, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги қўйи таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолати ўрганилган. Мазкур ўрганишлар 7та асосий йўналиш бўйича ташкил қилиниб, улар натижасида илҳобий ҳолатлар билан бирга камчиликлар ҳам аниқланди. Ана шу камчиликлар юзасидан ишчи гуруҳ томонидан ҳар икки вилоят ҳудудий бошқармалари, тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг масъул ходимларига тегишли таклиф ва тавсиялар берилди ҳамда ижро интизоми мустақамлаш бўйича ўқув семинарлари ўтказилди. Агентликнинг Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳудудий бошқармалари, мазкур вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар давлат алоқа инспекциялари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва "Тошкент почтамати" филиаллари, Қашқадарё вилоят "Матбуот тарқатувчи" ШК, ОАТ "Алоқа-банк" Амалиёт бошқармаси ва Қашқадарё филиали, Тошкент радиотелевизион узатиш маркази, ЭМММ, ОКСММ, ДФХ, Республика махсус алоқа боғламаси Қашқадарё вилояти бўлинмаларида, "Ўзбектелеком"АК "Тошкент Телеком", 1 ва 8-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламалари, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Чирком" ҚҚда ижро ин-

тизомини мустақамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар старли даражада эмаслиги маълум бўлди ва бу борадаги чора-тадбирларни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

"Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 11 майдаги "Ахборот хавфларини суғурта қилиш бўйича метёрий ҳужжатларни соҳа корхона ташкилотларида тажриба тарзида қўллаш тўғрисида"ги 150-сон буйруғи ижроси тўғрисида" "ALSKOM" суғурта компанияси бош директорини ўринбосари Ф.Ҳасанов ахборот берди. Ахборотчи мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий аҳамият берилишини тақозо этаётганини алоҳида қайд этди. Шу боис ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида соҳада чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг изчил амалга оширилиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари бўйича ISO/IEC 27002:2008 ва ISO/IEC 27001:2009 миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда суғурта механизмнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Агентлик раҳбарияти мамлакатимизда ахборот хавфларини комплекс суғурта қилиш механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус Агентлик Хайъатининг 2005 йилдаги кенгайтирилган мажлисида маъқулланди. Хайъат ўз қарори билан ахборот хавфларини

йил 1 декабрдаги 332-буйруғи билан тасдиқланиб, амалга киритилди ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги томонидан рўйхатга олинди, Агентлик, "UNICON.UZ" ДУК ҳамда "ALSKOM" СКга муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳнома берилди. Яратилган метёрий ҳужжатларнинг янгилиги инобатга олинди, Агентликнинг 2009 йил 11 майдаги 150-буйруғи билан мазкур ҳужжатлар соҳанинг айрим корхона ва ташкилотларида тажриба тарзида қўлланилиши белгиланди ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. "Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент телеграф-телефон станцияси", "ЎЗНЕТ" ва "Ўзбектелеком Мобайл" филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтамати" филиали, "UNICON.UZ", "UZINFOCOM" марказлари, "Электромагнит мослашув маркази"ДУКларида ахборот хавфларини суғурта қилиш тажриба тарзида амалга оширишга киришилди. Метёрий ҳужжатларни тажриба тарзида қўллаш уларни амалиётда синаб кўриш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини берди. Умуман, тажриба тарзида қўллаш жараёнларида аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда метёрий ҳужжатларни амалиётда кенг жорий этиш мумкин. Зеро, республикамизда ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир шароитда ушбу инновацион суғурта механизмига талаб ўсиб бормоқда.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2010 йил

1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - LexUz ҳуқуқий ахборот излаш тизимидан bepул фойдаланиш имкони яратилди. Ахборот дастурда 20 мингга яқин ўзбек ва рус тилларидаги конунлар ва метёрий ҳужжатлар жамланган.

7 апрел куни пойтахтимизнинг Сергели туманида Ўзбекистонда биринчи ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол шаклда давлат хизматларини кўрсатувчи Ягона ойна маркази очилди. Мазкур янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, аҳолига кўрсатиладиган қўллаб-давлат ва жамоат хизматлари бир жойда жамланди, фуқаролар эса шу ернинг ўзида кимматли вақтини йўқотмасдан маълумотнома, лицензия, аккредитация ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлдилар.

Ахборот соҳасига

бозор механизмларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Бюджет ва иктисодий ислохотлар масалалари қўмиталарининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган қўшма мажлисида “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан ижро этилиши, илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий қилиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурлари Тошкент вилоятида ижро этилиши натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ушбу ма-саладар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаларининг тобора кенгайиб бораётган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси янада ривожланишини, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишга доир асосий қондалари ва ҳулосаларини рўй-ба-қарши мақсадида ўрганилди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунларнинг тегишли талабларини ижро этиш, Тошкент вилоятида эса илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилган.

Чунончи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маққамаси 2002 йил 6 июлда тасдиқлаган Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам иш олиб борилмоқда. Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари рессурти ташкил этилган бўлиб, унда 187та ахборот ресурси рўйхатга олинган. Интернет халқаро ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида халқаро оптик толали телекоммуникация тармоғига уланиш йўналишларининг сони олтига етказилди. Интернетдан фойдаланувчи фуқаролар сони 6,6 миллион нафардан ортди, интернет халқаро тармоғида хизматлар кўрсатаётган операторлар ва провайдерларнинг умумий сони эса 965тага етган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулот чиқарадиган 230га яқин корхона ва ташкилот ишлаб турибди, 264 номада дастурий маҳсулот рўйхатга олинган ва ишлаб чиқарилмоқда. Тегишли лицензияга эга бўлган қарийб 970та юридик шахс маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатмоқда. Давлат органлари томонидан 114та веб-сайт ташкил этилган. Миллий ахборот маконида узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш мақсадида “ZiyoNet” тармоғи яратилган бўлиб, унга 11305та таълим муассасасининг 10670таси уланган.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан

бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномаларнинг ижро этилиши мониторинг қилинмоқда. Бугунги кунга келиб, 3269та адабий ва илмий асарлар объекти ҳамда санъат асари, шунингдек, турдош ҳуқуқлар рўйхатга олинган. 2008-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги билан муаллифларнинг меросхўрлари ўртасида уларнинг мулкий ҳуқуқларини коллектив асосда бошқариш тўғрисида 23та шартнома тузилган. Шу даврда муаллифлик шартномаси институтининг моҳитини тарғиб қилиш ҳамда аҳолига, шу жумладан, ижодий меҳнат билан шугулланувчи муаллифларга юридик маслаҳатлар бериш мақсадида 150дан ортиқ семинар, конференция ва давра суҳбати ўтказилди.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 5 августдаги Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда вилоятида 55та оммавий ахборот воситаси чоп этилаётган бўлиб, шунинг 22таси нодавлат секторга мансубдир.

Шу билан бирга, масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар ва юқорида номлари келтирилган агентликлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши вакиллари юқоридаги қонуларнинг талабларини ижро этилишини таъминлаш ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мавжуд куч, маблағ ва ресурсларни илғор ахборот-коммуникация технологияларини пойтахт вилоятининг медиа маконига жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигига қаратдилар. Мажлисда ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор тавсиялар ҳам берилди.

Муҳокама яқунлари бўйича қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

QUTLOV



ТОМЎҚЛАР
ЎИМИ
БЎИДИ

Халқимиз, айниқса, биз ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирган Баркамол авлод йили поёнига етаётган лаҳзаларда мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, қўйингки, барча соҳаларда салмоқли ишлар амалга оширилганидан, албатта, гурурланамиз. Бу ютуқлар замирида, ислохотларни амалга оширишда бизнинг почта алоқаси тармоғи соҳасининг ҳиссаси борлигидан мамнунман.

Мен ўз фаолиятимни почта алоқаси тармоғида оддий хат ташувчилардан бошлаган бўлсам ҳам, бу соҳанинг машаққатларидан чўчимай, шу кашфи эъзозлаганим учун бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиалида етакчи мутахассислар қаторидан ўрин олдим. Билмаганларимни ўргандим, ўқидим, изландим, тажриба орттирдим. Бунинг учун устозларим Татьяна Мўминова ҳамда Зигда Йўлдошевалардан чексиз миннатдорман.

Биз хайрлашётган йилимизда қўлга киритган ютуқларимиздан бири сифатида республика матбуот нашрларига обуна кўрсаткичи аввалги йилдагидан анча, яъни 115,2 фоиздан 119,2 фоизга ошганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ютуқлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам давом этади, албатта.

Янги — 2011 йили ёрғуз юз, эзу орзу-умидлар билан кутиб олаётган нашрларига ва тенгдошларимга омад тилайман. Ҳамма ҳам ўз жамоасида худди мендек шундай эътибор ва қар-қиммат топсин, дейман.

Оттабек НАМОЗОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
Навоий филиали мутахассиси



2010 йилда

12 май кунини Корея Республикаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси ишга туширилди. Электрон каталог, 54 ўринли умумий зал, 32та компютер ва бошқа замонавий техникалар билан жиҳозланган медиамарказ, электрон сенсорли киосклар, кутубхона электрон маълумотлар базаси ва интернет хизматлари китобхонлар ихтиёрида. Кутубхона маълумотлар базаси 40 мингдан ортиқ турли илмий адабиётларни ўз ичига олган.

Баркамол авлод йили Давлат дастури доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида аҳолининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида амалий кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув-тренинг курсларида Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларини томонидан ўрта махсус касб-хунаар коллежлари ўқувчи ва ўқитувчилари, “Қамолот” ЁИХ ва “Келажақ овози” ЁТМ фаоллари, «Махалла» жамғармаси ходимлари ва махалла фаоллари, махаллий ҳокимлик органлари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари ходимлари – жами 15 мингдан ортиқ киши ўқитилди.

Xalqaro hayot

ЖАНГОВАР АСЛАХАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Озарбайжон Туркия билан ҳамкорликда жанговар аслаҳалар ишлаб чиқармоқчи. Бу масалада бир неча турк компаниялари ва Озарбайжон мулоффа вазирилик тасарруфидаги махсус заводлар ўртасида келишувлар имзоланган. Шартномалар доирасида замонавий технологиялар асосида ўқ отиш қуроллари, авиация ва артиллерия учун турли жанговар аслаҳалар, реактив ҳужум тизими учун ракеталар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Келаси йил бошидан Озарбайжон корхоналарида ишлаб чиқарилган жанговар аслаҳалар Озарбайжон ва Туркия қуролли кучлари ҳарбий анжомлари сафидан ўрин олиши билан бирга, бошқа давлатларга ҳам сотувга чиқарилди.

Япония-Россия: КУРИЛ ОРОЛЛАРИ КИМНИКИ?

Япония ташқи ишлар вазири Тамэаки Мацумото Япония Жанубий Курилда Россия билан эркин савдо ҳудуди ташкил этишни рад қилганлигини, Курил тизмаларидаги тўртта оролни Япония ўз ҳудуди ҳисоблашини маълум қилди.

“Россия Япония ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга тайёр, лекин Жанубий Куридан воз кечмайди, — дея маълум қилган Президент Д.Медведев. — Жанубий Курил тизмаларидаги барча ороллар Россияга тегишли. Ороллар бизнинг еримиз ва биз у ердаги одамларнинг рисолагидек яшаш учун барча ишни қиламиз”.

Россия ва Япония ўртасида Курил ороллари атрофидаги тортишув 2010 йилнинг нояб-ридан, Россия Президенти Кунашир оролига ташир буюрганида янгидан аланга олди. Ушанда Кунчқар юрт сиёсатчилари Медведевнинг ташрифини норозилик билан кутиб олишганди. Ҳатто Москвадан Япониянинг Россиядаги элчиси маслаҳат учун чақириб олинган эди.

ИРОҚДАН АМЕРИКАЛИКЛАР ЧИКИБ КЕТАДИ

Ироқ бош вазири Нури ал-Маликий 2011 йилдан сўнг америкалик бирорта ҳам аскар Ироқда қолмаслигига ишонмоқда.

Ўтган ҳафтада Ироқ коалицион ҳукумати раҳбарлигига тасдиқланган Нури ал-Маликий сўнгги Америка аскари амалдаги келишувдан анча олдин Ироқни тарк этишини таъкидлаган. “Бу келишув узайтирилмайди ҳам, узгартирилмайди ҳам, — деган у. — Бу якуний қарор”.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, унинг янги ҳукумати ва мамлакат хавфсизлик кучлари “Ироқ суверенитети ва бирлиги, хавфсизлигига раҳна солувчи барча хавфга жавоб бера олиш ҳолатида”.

АҚШДА АЁЗ

АҚШнинг Шимолий Коралина штатида ноқулай об-ҳаво уч кишининг умрига зомин бўлган.

Мамлакатнинг шимолий-шарқий штатларида қор бўронлари, жуда ҳам совуқ ҳаво ва кучли шамолли циклон ёпирилган. Оқибатда 30 мингдан ортиқ одам электр энергиясиз қолган. Кучли шамол электр узатиш линияларини узиб ташлаган.

Бостон, Нью-Йорк, Филадельфия аэропортларида минглаб рейслар бекор қилинган. Авиаташувчилар йуловчиларга рейслар ҳолатини уйдан чиқишдан олдин текшириб олиш ҳақида муурожаат қилишмоқда. Темир йўл ва автобус хизматларида ҳам шу аҳвол.

Интернет материаллари асосида
У.АҲДУШЕВ тайёрлади

Тарих саҳифаларидан муносиб жой олаётган 2010 йил ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек, мамлакатимиз, хусусан, Бухоро вилояти алоҳа соҳасини ривожлантиришда ҳам муайян ютуқларга эришилган йил бўлди. Бунинг биринчи Баркамол авлод йили Давлат дастурининг бажарилишида ҳам кўрса бўлади. Дастурдаги бандларнинг вилоят микёсида босқичма-босқич уддаланганлиги алоҳа корхоналарида белгиланган режа-топшириқларнинг, жумладан, ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашдаги вазифаларнинг ҳам ўз муддатида амалга оширилишини таъминлади.

Дастур ижросини таъминлаб

Таъкидлаш жоизки, давлат дастуридаги муҳим вазифалардан бири қишлоқлардаги аналог телефон станцияларини замонавий рақамли телефон станциялари ва “Ўзбектелеком Мобайл” филиалининг стационар терминалларига алмаштиришдан иборат бўлиб, “Бухоро Телеком” филиали томонидан бу борда аниқ натижаларга эришилди. Шофиркон телекоммуникациялар боғламасининг И.Муминов қишлоқ телефон станцияси 416 абонент сифимидаги рақамли станцияга алмаштирилди. Мазкур тумандаги Ж.Орипов қишлоқ АТСда ўрнатилган 50 рақамли аналог станция абонентлари ҳам эндиликда “Ўзбектелеком Мобайл” симсиз тармоғи хизматида фойдаланишга ўтдилар. Шу тариқа мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланиб, интернет тармоғига улашиш имкониятлари янада кенгайди. “Ўзбектелеком Мобайл” симсиз тармоғида вилоят бўйича 451 нафар абонентнинг уланганлиги ҳам олиб борилган ишлар самарасидир. Давлат дастурида кўзда тутилган ва филиал ходимлари томонидан амалга оширилган ишлардан яна бири — вилоятдаги мавжуд юқори тезликдаги “UzNet” маълумот узатиш тармоғида портлар сонини 1064га кенгайтиришдан иборат эди. Бу муҳим вазифа ҳам орғини билан адо этилганлиги эътиборга сазовор. Ҳозирги пайтда фойдаланилаётган портлар сонини 1848тани ташкил этди. Бугунги кунга келиб, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг полосали маълумот узатиш тармоғида портлар сонини кенгайтиришга муваффақ бўлинди. Бухоро шаҳар ТБдаги портлар сонини 936тага, Ғиждувон ТБдаги портлар 192тага етказилди. Вилоятнинг Шофиркон, Бухоро, Жондор, Когон ва бошқа туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳам портлар сонини янада кенгайтиришга эришилди. Бундан ташқари, “Бухоро Телеком” филиали, шунингдек, Ғиждувон, Когон туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳамда Бухоро шаҳар ТБ мижозлар бўлимларида замонавий алоҳа воситаларидан яна бири — видеотелефонларнинг ўрнатилганлиги кундалик иш самардорлигини оширишга хизмат қиляпти.

Маълумки, ишлаб чиқаришдаги режа-топшириқларни ўз вақтида уддалаш алоҳа соҳаси ходимлари билим даражаси, касб малакасининг ошириб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнан ана шу муҳим жиҳат ҳисобга олинган ҳолда филиал ходимларидан икки нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Олий бизнес мактабида, саккиз нафари эса “Ўзбектелеком” АК Муҳандислик-техник ўқув марказида ўз касб малакасини оширди.

“Бухоро Телеком” филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий тадбирлар ёш авлод учун маълум маънода тарбия мактабини ўтапти. Ҳар йили болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумида филиал тасарруфидаги “Ёш алоҳақи” оромгоҳида ўтказилиб келинаётган қизиқарли ва мазмунли тадбирлар, қатор спорт мусобақалари ва кўнгилочар томошалар ўғил-қизларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол кишилар бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутди, албатта. 2010 йил “Ёш алоҳақи” оромгоҳида вилоят алоҳа ходимлари фарзандларидан 363 нафари ёзги таътилни мазмунли ўтказди. Мамлакатимизнинг сўлим масканлари, зиёратгоҳлари ва диққатга сазовор жойларига вақти-вақти билан саёҳатлар ташкил этиш филиал ва унинг шаҳар, туман ТБларида яхши анъанага айланган. Бу борда вилоят алоҳа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси ҳам ўз маънавий ва моддий ёрдамини аямапти. Жумладан, филиал ҳамда Вобкент тумани ТБ ходимлари Қашқаларё виллоятининг Шаҳрисабз шаҳрида, Когон ТБ ходимлари Навоий виллоятининг Нурота зиёратгоҳида, Ғиждувон ва Қорақўл ТБ ходимлари Самарқанддаги Ҳазрати Довуд, Олот туман ТБ ишчи-хизматчилари эса Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳларида бўлиб қайтишди.

Ёш мутахассислар учун вилоятда барча имкониятлар борлиги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бир гуруҳ талабаларининг ўқув амалиётлари чоғи-

да “Бухоро Телеком” филиали бўлимларида тажрибали ва етук мутахассислар раҳбарлигида ўз билим ва малакаларини оширилганликларида аниқ кўзга ташланди.

Алоҳа соҳаси ўқув муассасаларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш масаласига жиддий эътибор берилганлиги боис, “Бухоро Телеком” филиали, Бухоро шаҳар ТБ ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Бухоро филиалига 16 нафар ёш мутахассиснинг ўз ихтисослиги бўйича ишга қабул қилинганлигини шу ўринда тилга олиб ўтиш лозим.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Баркамол авлод йили Давлат дастуридаги муҳим бандлардан бири эканлиги, уни бажаришга тўғри ёндашилганлиги ҳам кутилган самарани берди. Вилоят алоҳа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан Олот туманидаги 26-, 31-умумтаълим мактаблари ўқувчи-ёшларидан Ш.Ҳожиёва ва Л.Иломоваларга йил давомида “Хавас” стипендияси ойма-ой бериб борилди. Бир қатор корхоналарнинг фаол касба уюшмаси қўмиталари жонқуяшлиги туфайли, жумладан, радиотелевизион узатиш маркази ва 5-Шаҳарларо магистрал алоҳа техник боғламасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари олиб бериш учун 750 минг сўм маблағ сарфланганлиги ҳам эътиборга молик.

Шунингдек, 2010 йил давомида дастур ижросини таъминлаш мақсадида Бухородаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. “Меҳр-шафқат ва салиматлик” фондида ҳам маблағ ўтказилди.

Алоҳа корхоналарида ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун яратиб берилган имкониятлар ҳам уларнинг кундалик ишлари унумли бўлишларини таъминламоқда. Бу ўринда спорт мусобақалари алоҳида ўрин тутди яхши маълум. Спорт баҳслари гоили-лари ва совриндорларнинг рағбатлантириб келинаётганлиги уларнинг бўлажак мусобақаларга пухта тайёрланишлари гаровидир. 2010 йилнинг март ойида Шофиркон ТБ ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Бухоро филиалининг Янгигобор почта алоҳаси тармоғи ходимлари ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари пешқадамлари, шунингдек, июн ойида ташкилланган вилоят микёсидаги мини футбол баҳсларининг совриндор ва гоили-лари ана шундай моддий ва маънавий рағбатлантирилдилар. Ёш спортчиларни тақдирлаш учун вилоят алоҳа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан жами 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ҳам ёшларга бўлган ўзига хос эътибодир.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири

Ахборот тармоғи — замонавий билимлар калити

Бугун ахборот технологияларига бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ахборот тармоғини ривожлантириш борасида ижобий натижалар қўлга киритилганлиги барчамиз гувоҳимиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабргаги “ZiyoNet” ахборот тармоғини янада ривожлантириш туғрисида”ги қарорига мувофиқ “ZiyoNet” ахборот тармоғидан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш ва самарали фойдаланишни жорий этиш мақсадида “ZiyoNet” провайдерлари, “ЎзМобайл” филиали, “Перфектум мобайл” ва “East Telecom” масъулияти чекланган жамиятлари мутахассислари томонидан вилоятда мавжуд

47та касб-ҳунар коллежи, 4та академик лицей ҳамда ҳар бир туман халқ таълими бўлимидан масъул ходим ва бир гуруҳ иқтидорли мактаб ўқитувчилари иштирокида ташкил этилган семинарда 70 нафардан зиёд қатнашчи иштирок этди.

Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқитувчиларга “ZiyoNet” ахборот тармоғидан фойдаланишни чуқурроқ ўргатиш ҳамда ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини ошириш орқали уларга янада кенгроқ тушунча бериш, “ZiyoNet” порталидан фойдаланишни таъминлаш ва кенгайтиришдан иборатдир.

Машғулотларнинг тушунарли ва самарали ўтишини таъминлашда

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Зариф Аҳоров, “ЎзМобайл” филиали техник директори Язлон Бегинов, “Перфектум мобайл” МЧЖ техник муҳандиси Дилшод Кенжаев ҳамда “East Telecom” МЧЖ етакчи муҳандиси Илҳос Олимовларнинг хизматлари катта бўлди.

Мазкур семинар барчада катта таассурот қолдирди. Савол-жавоблар билан қизгин ўтган семинар соҳа мутахассислари ва ўқитувчиларнинг масъулиятини яна бир қарра оширди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

QUTLOV

ОМАДЛАР ИШИ
БЎЛСИН!

Охири кунни ўтиб бораётган 2010 йили аҳолига почта хизмати кўрсатиш ва бошқа хизматлар бўйича режаларни тўлиқ бажарган ҳолда яқунламоқдамиз. Ушбу йилда 4та алоқа бўлими жорий таъмирланган бўлса, Алимкент ҳамда Хонобод почта алоқаси бўлимлари компьютер, принтер, факс аппарати, электрон тарози билан таъмиланди.

Янги 2011 йилда ҳам яна 4та алоқа бўлимини таъмирлашни ва қолган алоқа бўлимлари ишини компьютерлаштиришни давом эттирамиз. Шу йўл билан қишлоқ аҳолига кўрсатиладиган почта хизмати сифатини оширишдек муҳим ишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Ишонманки, янги — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили нафақат бизнинг корхонамиз, балки республикамизнинг барча аҳолиси учун ўтган йиллар каби омадли келади, тадбиркорлар сафи янада ортади.

Янги йилнинг кутлуғ бўлсин, азизлар!

Ҳусниддин БОТИРОВ,
Оққўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи

2010 йилда

14-15 сентябр кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ракамли телерадиоэшиштиришларни жорий қилиш ечим ва муаммолари” мавзусидаги халқаро анжуман доирасида Самарқандда ракамли телевидение йўлга қўйилганлиги расман маълум қилинди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги нишонланган қутлуғ шодиёна арафасида «Навоий» эркин саноат-иктисодий ҳудудиди ракамли телевизион қабул қилгичларни (Set-top-box) ишлаб чиқаруви янги завод ишга тушди. Лойиҳани амалга ошириш учун 6,8 млрд. сўм маблағ сарф этилди. Мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини йилга 50000дан зиёд Set-top-boxга етказиш режалаштирилган.

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамюртларимизга
Янги йил тилақларини йўллайди.

Қадрли ватандошлар,
азиз алоқачилар!
2011 йил сизга олам-олам бахт
келтиришига тилақдошмиз.
Неки эзгу истакларингиз
бўлса, рўёбга чиқсин!

“ALSKOM”

СУФУРТА КОМПАНИЯСИ

Республикамиз аҳолисини

Янги - 2011 йил билан

сидқидилдан табриклайди.

Кўнғироқчаларнинг мафтункор
жаранги ила кириб келган Янги йил
барчангизга қувонч келтирсин!



УТВЕРЖДЕНА ОБНОВЛЕННАЯ СТРУКТУРА ЦЕНТРАЛЬНОГО АППАРАТА УзАСИС

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О совершенствовании структуры Узбекского агентства связи и информатизации» от 23 декабря утверждена обновленная структура Центрального аппарата УзАСИС.

В соответствии с постановлением в структуре УзАСИС создан Отдел по координации деятельности образовательных учреждений и инновационных технологий.

Целью принятия данного постановления является обеспечение внедрения инноваций в развитие информационно-коммуникационных технологий, повышение уровня и качества подготовки кадров в области связи и информатизации, создание дополнительных условий для интеграции учебного процесса с производством.

Asi.uz

Подготовительные работы к Всемирной конференции радиосвязи 2012 года

28 декабря 2010 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялось совместное заседание Подготовительной комиссии по участию Республики Узбекистан в деятельности международных организаций по вопросам распределения и использования радиочастотного спектра и Комитета радиосвязи Узбекского агентства связи и информатизации.

В заседании приняли участие члены Подготовительной комиссии, Комитета радиосвязи и представители заинтересованных организаций и ведомств республики. В соответствии с повесткой дня были рассмотрены результаты:

- 6-го заседания Рабочей группы Регионального сотрудничества в области связи (РСС) по подготовке к Ассамблее радиосвязи 2012 года и Всемирной конференции радиосвязи 2012 года (ВКР-12), проходившего в г.Минске (Республика Беларусь). На заседании Рабочей группы была продолжена работа по уточнению Пред-

варительной позиции РСС, доработке проекта Общих предложений к ВКР-12, рассмотрению вкладов стран РСС по изменению текста проекта отчета Подготовительного собрания к ВКР-12, а также по другим вопросам, включенным в повестку дня 6-го заседания Рабочей группы;

- 2-ого Информационного собрания Международного Союза Электросвязи (МСЭ) по подготовке к ВКР-12 года, на котором представители региональных организаций Азиатско-Тихоокеанского телесообщества (АРТ), Арабской группы по управлению спектром (ASMG), Африканского союза электросвязи (АТУ), Европейской конференции ведомств почты и электросвязи (СЕРТ), Межамериканской комиссии электросвязи (СІТЕЛ). Регионального сотрудничества в области связи были представлены их позиции по пунктам повестки дня ВКР-12;

- научно-исследовательской работы «Научно-техническое обоснование

Общих предложений Администраций связи РСС ко Всемирной конференции радиосвязи 2012 года и Ассамблее радиосвязи 2012 года», проводимой РСС согласно плану подготовки к ВКР-12. По отчету НИР рассмотрены предложения и замечания для направления в РСС; итоги Полномочной конференции МСЭ 2010 года, проходившей с 4 по 22 октября 2010г. в г. Гвадалахара, Мексика.

Также в ходе совместного заседания был рассмотрен вопрос по проекту вкладов Администрации связи Республики Узбекистан по пунктам повестки дня Всемирной конференции радиосвязи 2012 года, который вызвал активное обсуждение среди участников заседания. На основе рассмотренного проекта вкладов будет формироваться позиция республики на предстоящем в феврале 2012 года втором заседании Подготовительного собрания к ВКР-12.

По обсужденным вопросам приняты соответствующие решения.

Сервис доступа к информации Desk.uz

В последнее время во всем мире все больше внимания уделяется вопросу внедрения современных информационных компьютерных технологий практически во все сферы деятельности человека. Естественно, Узбекистан не мог стать здесь исключением.

В связи с чем, правительством было принято решение о необходимости принятия мер по оказанию и расширению предоставляемых интерактивных государственных услуг, обеспечению для юридических и физических лиц качественного доступа к данным услугам, а также, повышению эффективности функционирования органов государственного и хозяйственного управления государственной власти на местах, путем широкого применения информационно-коммуникационных технологий. Согласно Постановления Кабинета Министров от 23 августа 2007 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию взаимодействия органов государственного и хозяйственного управления государственной власти на местах с юридическими и физическими лицами с использованием информационно-коммуникационных технологий»,

Вместе с этим, на заседании Координационного совета от 13 декабря 2010 года поступило поручение органам государственного и хозяйственного управления государственной власти на местах по созданию и отображению на едином портале как можно максимального количества оказываемых интерактивных государственных услуг. Платформой для этого может служить сервис управления информацией Desk.uz.

Напомним, что сервис Desk.uz — это каталог сервисов, RSS-лент и вид-

жетов, который был запущен 23 августа 2010 года. Данный каталог пользователь может расположить на собственном «Рабочем столе» и добавлять свои виджеты.

В целях выполнения поручения данного протокола Узбекским агентством связи и информатизации и Центром UZINFOCOM 24 декабря 2010 года был организован семинар на тему «Сервис доступа к информации Desk.uz».

На семинаре приняли участие представители различных организаций, в числе которых были: АК «Узбектелеком», ГАК «Узбекэнерго», «Таштеплоэнерго» УП ПО, ГУПТ «Сувсоз», ООО «UZDIGITAL TV», Государственный налоговый комитет, Алокабанк, ОАО «Узбекистон почтаси», Министерство здравоохранения, Министерство труда и социальной защиты населения, ГАК «Узбекистон хаво йуллари», ГАК «Узбекистон темир йуллари», Центр гидрометеорологической службы и другие.

На семинаре, также был представлен доклад директора Центра UZINFOCOM Д.Рахимова на тему «Сервис доступа к информации Desk.uz». В ходе доклада были озвучены вопросы по объединению интерактивных услуг государственных органов на сервисе Desk.uz. Одной из основных задач сервиса Desk.uz является объединение интересной и полез-



ной информации популярных сайтов и сервисов самой разнообразной тематики — от деловой до развлекательной. А также, это экономия трафика и времени при поиске необходимой информации.

Таким образом, для выполнения задач, поставленных в вышеупомянутом постановлении, Центр UZINFOCOM предлагает объединить интерактивные услуги государственных органов на сервисе Desk.uz.

Основными видами интерактивных услуг, предоставляемых со стороны поставщика услуг, могут быть — информация о состоянии счёта, долге абонента за использование услуг стационарной телефонной связи, услуг сети Интернет, электроэнергию, горячую воду и отопление, холодную воду, информация о состоянии банковского счёта, последних операций со счётом, о необходимости погашения банковского кредита, информация для родителей о необходимости прохождения детьми пла-

новой вакцинации и медосмотра и многое другое.

Таким образом, необходимо отметить основные выгодные стороны для поставщиков услуг при использовании данного сервиса. Таковыми являются: внедрение автоматических интерактивных услуг, уменьшение нагрузки на персонал, дополнительный канал для рекламы услуг потенциальным клиентам, доступность информации 24 часа в сутки, в любом месте мира.

В ближайших планах сервиса — выпуск большого числа информационных виджетов и сервисов, как общей направленности, так и специализированных. Это позволит еще больше расширить возможности проекта Desk.uz, как удобного и разнопланового сервиса для создания стартовых страниц и организации эффективной рабочей среды.

Зумрад ШОЖАЛИЛОВА, специалист UZINFOCOMA

TIME: 2010 ЙИЛ ҚУРИЛМАЛАРИ

Time журнали 2010 йилдаги ахборот технологиялари соҳасининг энг яхши қурилмаларини аниқлади. Журнал мутахассислари Apple компанияси махсулоти — iPad планшет-компютерига энг юқори баҳо қўйишди.

Тан олиш керак, унча-мунча қурилмага ҳали бозорга чиқмасдан бунчалик қизиқиш билдирилмаганди. Истисно тарихида фақат iPhone келтириш мумкин (аслида у ҳам Apple махсулоти). Демак, дастлабки кунги савдоларда компания 350 мингта планшет-компютерларини сотишга эришди. Миллионлик доvon эса савдоларнинг 28-кунда забт этилди. iPad тахлил компанияси ҳисоб-китоб қилишича, йил ниҳоясига етгунча iPad савдоси ҳажми 13,8 миллион донадан ошishi кутуляпти.



Шу қаби сабаблар, қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг интерфаол иловалар шаклида ҳам фаолият кўрсатишига йўл очиб берган iPad ҳақида равишда Time журнали томонидан йилнинг танҳо етакчиси дея эътироф этилди.

Жанубий Кореянинг Samsung компанияси жаҳон ахборот технологиялари бозорининг ҳар жабҳасида фаолиятини кучайтиришга зўр бермоқда. Компаниянинг 2010 йилги сайё-ҳаракатлари натижаси — Galaxy S смартфонни нуфузли нашр томонидан иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Мутахассислар бу смартфонни "айфон" дан устун қўйишпти. 2010 йили Galaxy S энг харидоргир Android-смартфонга айланди — савдоларнинг дастлабки уч ойида 5 миллионга аппарат сотилди. Журналистлар наздида, анъанавий суяқ-кристалл экранлар ўрнига ёрқин ва тежамкор Super AMOLED дисплейлар ўрнатилганлиги Galaxy Sнинг муваффақиятини таъминлади.

Учинчи ўрин соҳиби — ўн бир

двоймлик экранга эга MacBook Air (Apple) ноутбути. Ноутбук ихчам ва энгиллиги учун юқори баҳоланди.

Таймчилар Logitech Revue (интерфаол телевиденининг кенг интернет имкониятларига эга янги дастурий-аппарат платформи)ни Google TV махсулотларининг энг муваффақиятлиси деб топишди ва тўртинчи ўринга муносиб кўришди.

Googlening яна бир махсулоти дастлабки расмий андроид-смартфони — Google Nexus One бешинчи ўринга жойлашди. Негадир ахборот технологиялари бозоридан донғи чиққан iPhone 4 (Apple) бор-йўғи олтинчи ўринга муносиб кўрилди. Еттинчи ўринда компаниянинг яна бир ишланмаси — тўлиқ метражли фильмлар ва турли телешоулар интернет-трансляциясига буюртма бериш имконияти мавжуд Apple TV телеприставкаси номи келтирилган.

Саққизинчи ўринда ноодатий икки экранли Toshiba Libretto W100 ноутбути, тўққизинчи ўринда Microsoft

Kinect масофали ўйин қурилмаси ва ниҳоят, ўнинчи ўринда рангли суяқ-кристалл экранли Nook Color электрон китоби келтирилган. Қизиғи, бу қурилманинг аввалги шакли — монохром экранли Nook ридери Timening ўтган йили рейтингда иккинчи ўринга сазовор бўлганди.

Шуни қайд этиш керакки, Time рўйхати 2010 йил бошида Лос-Анжелесда ўтказилган Consumer Electronics Show янги технологиялар кўргазмаси экспертларининг қарашларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, ўшанда Samsungning 3D-телевизори ёки Panasonicning 3D-видеокамераси йил кашфиёти бўлиши айтилганди. Бироқ амалда ундай бўлмади. Эҳтимол, 3D технологиялар ҳали ривожланишда давом этаётгани ва истеъмолчилар янада такомиллашган телевизорлар чиқишини кутушгаётгани бунга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг устига, уч ўлчамли технологияларни қўлловчи қурилмаларнинг нархи қимматлигича қолмоқда.

QUTLOV



Янги йилни янги-янги эзгу мақсадлар билан кутишининг, оиладаги азизларимизнинг — болалар, набираларни ҳаётлари совғалар билан қувонтиришининг гапти ўзгача. Янги йилни шод-хуррам кутиб олсин — Янги йили, узоқ умри доимо бахтли, фароғатли кечсин, дея дуолар қиламиз, солиҳ амалларимиз билан кўнгиллари нурафшон айлашга шошиламиз. Янги йилнинг бунун гапти, шодлиги ана шунда.

Ишхонада ҳам худди шундай. Zero, меҳнат жамоаси ҳам бир оила, ниҳат-режалари муштарақ — мамлакатимиз ва филиалимизнинг ёрқин эртасини яқинлаштириш. Дарҳақиқат, байрамларда жамоамизнинг ҳар бир аъзосига севишч улашишга, ҳаёт даражасини янада яхшилашга иттилами.

Жамоа шартномасида кўрсатилган барча бандларни, жумладан, 50, 55, 60 ёшга тўлгандаги моддий рағбатлантиришлари бажаряёмиз. Болаларнинг кўзда тутилганидан кўпроғини соғломлаштиришга эришимиз.

Ҳа, Янги — 2011 йилни хушқайфиятда қарши олмақдамиз. Ширинликларга тўла совғалар дилларни ширин-ширин орзуларга тўлдирди. Муъжизакор арча атрофда тўпланган болажонларимиз ажойиб шеър ва қўшиқлари учун Қорбобо ва Қорқиздан совғалар, ўйинчоқлар олиб, шодмон бўлдилар. Бинобарин, келажгимиз эгаларининг шодлиги — бизнинг шодлигимиз, уларнинг бахти — бизнинг бахтимиздир.

Янги йил Ўзбекистонимизга қутли-бароқатли келсин, ҳар бир юртдошимизнинг юрак тўридаги олий орзулари амалга ойсин!

Хусабой АБДУРАҲИМОВ,
"Фаргона Телеком" филиали
касаба уюмчаси қўмитаси раиси



Энг оммалашган веб-сайтлар

Google компанияси 2010 йили энг оммалашган 1000та веб-сайт номини маълум қилди. Унга кўра, facebook.com, yahoo.com ва live.com сайтлари энг кўп фойдаланувчиларга эга (объективлик нуқтан назаридан, интернет-кириув тизими рўйхатдан ўз номини тушириб қолдирди).

Интернетдан фойдаланувчилар сони яқунланган йилда икки бараварга кўпайган — бунга тор-1000 рўйхатига киритилган сайтларга янги кунлик ташрифлар барча жабҳаларда кузатилаётгани шохидлик беради. Айниқса, Фарбнинг оммавий ресурсларида фойдаланувчиларининг умумий сони юқори суръатларда ижобий томонга ўзгармоқда. Масалан, Facebook сайти ташриф буюрувчилар сони бир кунда уч баравар ошishi натижасида (80 миллиондан 220 миллионга) кунига 150 миллионга фойдаланувчини тўлловчи live.comни орта қолдирди, эътиборли жиҳати, жаҳон интернет трафигининг 32,3 фоизи "фейсбук"ка тўғри келяпти.

Россиянинг .ru доменида рўйхатдан ўтганлар орасида yandex ва mail етакчи поғоналарни эгаллади. Googlening маълумот беришича, yandex.ru фойдаланувчилари сони 38 миллион кишини ташкил этади, 37 миллион киши эса mail.ruни танлаган.

Оммавий ресурслар фойдаланувчилари сони ошишига биринчи сабаб бевосита интернет аудиториясининг кенгайганлигидир. Аксарият янги



фойдаланувчилар Facebook сингари ижтимоий тармоқлар баҳона интернетга киришни бошлаган. Иккинчи сабаб эса йирик компанияларнинг кучли маркетинг сиёсати ҳисоблангани, негаки, интернет-лоийҳаларга сармоя киритувчилар тезроқ даромад олишга одатланишган.

Google рейтингидagi етакчи ўнта сайт:

Сайт номи	Ташриф буюрувчилар сони (млн. киши)	Ташрифлар сони (млн. киши)
1. facebook.com	540.0	570 000.0
2. yahoo.com	490.0	70 000.0
3. live.com	370.0	39 000.0
4. wiki.pedia.org	310.0	7 900.0
5. msn.com	280.0	11 000.0
6. microsoft.com	230.0	3 300.0
7. blogspot.com	230.0	4 400.0
8. baidu.com	230.0	27 000.0
9. qq.com	170.0	25 000.0
10. mozilla.com	140.0	2 100.0

Адабиёт дарсларида АКТдан фойдаланиш

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдига янги-янги уфқлар очиб билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларининг эртанги кунини ўйлаб адабиёт дари жараёнида уларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этиб таълим-тарбия ишларини олиб бормоғи даркор.

Бундай маънавий ҳуқуққа эга бўлиш учун биз ўқитувчилар, аввало, катта билим ва ҳаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳоратга, замонавий инновацион билимларга эга бўлишимиз кераклигини, энг муҳими, бу ўта оғир, кучли иродали талаб этадиган жабҳада ҳақиқий фидойилик кўрсатиш лозимлигини яхши тушунамиз.

Ўзим фаолият олиб бораётган Собир Раҳимов туманидаги тиббиёт коллежиди адабиёт дарсларини олиб бораётганда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан. Дарс жараёнида яқинда фаолият бошлаган www.e-adabiyot.uz сайтидаги адабиётга оид фойдаланиш ва мазмунли манбаларни ўқувчиларимга тавсия қиламан.

Зеро, Президентимиз И.Каримовнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида "...ёшлар китоб ўқимай кўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъ-



сирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман...

...Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб мероси ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало, адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдми", — дея қайд этилган.

www.e-adabiyot.uz сайтида ғазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида дарс жараёнида ва дарсдан ташқарида, гуруҳдан ташқари тарбиявий-маърифий ишларда фойдаланиш учун етарли маълумотлар берилган. Бунда адабиётшунос олимлар Нажмидин Комилов,

Иброҳим Ҳаққул, Ботирхон Акрам, Матназар Абдулҳакимларнинг буюк шoirнинг ижод намунаси бўлмиш ўндан ортиқ ғазал, рубоийларининг шарҳи, драматург Бобораҳим Омоннинг Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий дўстлигига бағишланган "Навоий ва Хусайний" драмаларини ўқиш, Навоий асарларига бағишлаб ишланган минниатюра тасвирлари билан танишиб чиқиш мумкин.

www.e-adabiyot.uz сайтида адабиётга оид атамалар, тушунчаларнинг изоҳи лугати, жаҳон адабиёти намунадаларининг ҳаёти ва ижоди, улар яратган дурдона асарлар, дарс жараёнида ўқитувчи кўргазмали восита сифатида фойдаланиши мумкин бўлган видеоларлар, электрон кутубхона ҳам мавжуд.

Барно АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
М.Турсунхўжаева номидаги тиббиёт
коллежининг она тили ва адабиёт
ўқитувчиси

Ёшлар ва замон

Инсон жонли мавжудотлар ичида энг онглиси ҳисобланиб, унга тафаккур деган энг олий неъмат ато этилган. Инсонда шу олий хусусият бор эканки, у тафаккур қилади, фикр юрताди, хулоса чиқаради, онгли равишда фаолият олиб боради ва ҳоказо.

Дунёда илм-фан, техника тараққий этган ҳозирги даврда бир пайтда миллатлараро давлат муносабатининг техник, технологик имкониятларни юзага келтириш оқибатида маънавий-мафкуравий муносабатлар интенсиблишига ва универсаллашишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ахборотнинг электрон почта, интернет, телерадио алоқа тизимларининг ривожланиши билан бу энергияга катта таъсир этмоқда. Иқтисодий манфаатни излайдиган айрим тadbиркорларнинг ахлоқсизликка, тубанликка ундовчи адабиётлар, аудио ва видео кассеталарни сотиши ўсиб келаётган ёш авлод руҳиятига (мафкурасига), турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши билан ҳам хавфлидир.

Юқорида келтирилган адабиётлар, аудио-видео тасмаларни кўриб улғаяётган ёшларимиз эртага эл-юрт хизматига шай тура оладиган, фидойи инсонлар бўлиб вояга етишадими, унга ким кафолат бера олади? Айниқса, вояга етмаган, она сuti озгидан кетмаган ёш болаларнинг компьютерхоналарда интернет "чангалзорлари" оралаб соатлаб вақт ўтказишлари-ю ахлоқсизлик, менталитетимизга зид бўлган, қадриятларимизга мос келмайдиган ишқий муносабатлар ўзида акс эттирилган видео ва аудио кассеталар, дискларни томоша қилишгаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Ёшлар онгини турли "зарарли иллат"лардан сақлаш учун бугун астойдил кураш олиб бориш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ер юзиди мафкуралар кураши авж олаётган бир пайтда, глобаллашув жараёнида эртанги кунимиз истиқбол-

лари, ёрқин келажакимиз, ўз миллатининг асл фарзандлари, ўғил-қизларимизда юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги каби эзгу мақсадларга йўғрилган миллий мафкураимизга мос иммунитетни шакллантириш муҳимдир. Агар улар тарбиясига эътиборсиз бўлиб, ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, ҳушёрлик ва сезгирлик билан иш тутмасак, кўп йиллик бой тарихий меросимиздаги миллий қадриятларимиз билан сугорилган маънавиятимизга дарз кетиши ҳеч гап эмас.

Жамиятнинг маънавияти — аёлларга бўлган муносабатга қараб белгиланади, дейди донолар. Хотин-қизларимиз юртимиз кўрки, ор-номуси, миллатимиз, келажакимизни давом эттирувчи асосий кучдирлар. Аммо хулқи номаъқул қизлардан қандай оналар юзага келади, улардан туғилган болаларда қандай хулқ, феъл-атвор мужассам бўлиши мумкин? Кундалик ҳаётда айрим "замонавий қизлар" хатти-ҳаракатларида кузатилаётган баъзи номаъқулликлар эсангизни қотиради. Хўш, бу қизлар қайси жамиятда, маҳаллада, таълим масканида аниқроғи, қандай оилавий муҳитда униб-ўсмоқда. Ўзларини "замонавий қизлар" деб ҳисоблаётган бу қизлардан эртага юртимиз хавфсизлигини таъминлайдиган, халқпарвар, миллатнинг ғами билан яшайдиган фарзандлар дунёга келадими?

Шунга кўра, ҳар бир фуқаро шу ягона Ватанимизнинг муваффақияти, аждоқларимизнинг бой тарихий мероси, миллий қадрият ва аъёнларига муносиб бўлишга эришиш учун астойдил хизмат қилиши, эзгу мақсадларни амалга татбиқ этишга қодир бўлиши замон талабидир.

Гулчеҳра ШУКУРОВА,
Қарши шаҳар Маънавият тарғиботи
маркази раҳбари

Қува компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказининг китоб фонди 12896та бўлиб, шундан 6948таси умумтаълим, 4446таси маҳусе фанлар, 947таси бадиий ва сўёсий адабиётлар, 1800таси Германия лойихаси томонидан таъминланган китоблардан иборатдир.

Китобга ошурфта ўқувчилар

Марказ ўқув зали сўнғти русумдаги олғита компьютер, сканер, модем билан жиҳозланган бўлиб, UzNET интернет тармоғига уланган. Таълим олаётган 1056 нафар талаба замонавий компьютерлар ёрдамида электрон дарсликлардан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, туманининг 9та қишлоқ фуқаролар йиғинларида марказнинг тармоқ кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда. Коллеж талабаларининг дарсдан бўш вақтларини ўз ҳудудларидаги тармоқ кутубхоналарида ўтказишлари учун етарли шароит яратиб берилган. АРМ ва тармоқ кутубхоналари томонидан Баркамол авлод йилида жойларда "Баркамол авлод — келажак пойлевори", "Ватан тараққийи — ёшлар кўлида" номли китоб кўргазмалари ташкил этилган. Шунингдек, 5-тармоқ кутубхонасида "Баркамол авлод — келажакимиз равнақи" мавзусида уч авлод учрашуви, 4-тармоқ кутубхонасида "Қишлоғимнинг зукко қизи" номли адабий тadbир, 1-тармоқ кутубхонасида "Жаннат оналар оёғи остидадир", 2, 3, 6, 7, 8-тармоқ кутубхоналарида адабий тadbирлар, АРМ ҳамда 5, 9-кутубхоналарда "Қомусимиз — бахтимиз", "Конституция — бахтимиз пойлевори", "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида тadbирлар ўтказилди. Тadbирларда Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлар доктори М.Баратов, туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари О.Ғафуровлар Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлар ўтказдилар.

Коллежда қизиқарли тadbирлар ўтказиш одаг тусига кирган. Чунки, Устоз ва мураббийлар кунига бағишлаб "Меҳрим сизга, азиз устозлар" номли адабий тadbир, Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган санага бағишлаб "Тил — миллат кўзгуси" деб номланган давра суҳбати, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1214 йиллигига "Аҳмад Фарғоний бобомиз билан фархланамиз" номли адабий тadbир ва ёзма ишлар кўрик-танлови, физика ва информатика фанлари гуруҳлари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" танлови ўтказилди.

Ўшбу тadbирларни мазмунли ва мароқли ўтказишда коллеж ўқитувчилари С.Сатторова, С.Қодирлиева, М.Исмоилова ва З.Солиева, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси З.Сулaimоновларнинг хизмати катта бўлди.

Яқинда ахборот-ресурс маркази ходимлари ташаббуси билан фаол китобхоналарнинг бир гуруҳи туман марказидаги Аҳмад ал-Фарғоний ёлғорлик мажмуида бўлиб, алломани ёлғи этишди.

АРМ ходимлари ўқитувчилар билан ҳамкорликда 2011 йил учун даврий нашрларга обунани уюшқоқлик билан ўтказишди. Марказ 19 номдаги газета ва уч номдаги журналларга обуна бўлди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

➔ ORAMIZDAGI ODAMLAR

Орзу инсонга канот, рухан толиккан пайтларида қувват, доимо олға чорловчи маёк вазифасини ўтади. Бунининг ярим асрга яқинини алоқа соҳаси ривожига бағишлаган билимли ва шижоатли инсон, “Ўзбектелеком” АК “Шахарлараро алоқа корхонаси” филиали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи Серикбой Аҳметов ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

Чиноздаги мактаблардан бирининг директори Эркин ака ва уй бекаси Гулсара аяларнинг тўнғич фарзанди Серикбой ҳали бола пайтидаёқ яхши ўқишни, олий билим даргоҳида ўқиб, халққа энг кўп фойдаси тегиши мумкин бўлган бирор касбни эгаллашни орзу қиларди. Мана шу орзу унга ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиб, қийинчиликларни енгиб ўтишга, янги марралар сари интилиб яшашга чорлаб турди.

Катта арава қайси йўлдан юрса,

унум, кўнглида хотиржамлик, топганида барака бўлмайди. Одамлар бор, катта-катта пул топади, бойийди. Лекин уйда тинчлиги бўлмайди. Болалари ҳаётда тўғри йўл тополмайди. Бундан ёмони бўлмаса керак, менимча. Турмуш ўртоғим — Бибайша опангиз билан тўрт фарзандни вояга етказдик, уларни нуфузли олийгоҳларда ўқитдик. Ҳаммасига рафиқамнинг ҳамшираликдан ва менинг алоқа соҳасида топган ойлик маошимиз билан эришяп-

Орзулар рўёби

кичиги ҳам шу йўлдан юради, деган нақлга амал қилган Эркин ака катта ўғли Серикбойга алоқчида эътибор билан қарарди.

— Тўнғичимиз ўқимишли, олий маълумотли бўлса, бошқалари ҳам унга интилиб яшашади. — деди у бир кун рафиқасига. — Ўғлинг бошланғич таълимни олиб бўлди. Энди уни Тошкентга жўнатамиз. Суриштириб кўрдим. Пойтахтдаги 82-мактабда техникага оид фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилар экан. Айниқса, физика-математика фанларига катта эътибор берилар экан. Бу фанларни яхши ўзлаштира, олий ўқув юртига қийналмай ўқишга қиради. Худо хоҳласа, ўғлимиз кибернетик олим бўлади.

— Серикбой энди ўн ёшдан ошди. Бизсиз қийналиб қолади-ку, қасрда яшайди, — онаизорнинг кўнглига гулдула тушди.

— Бунининг ҳам ўйлаб, гаплашиб қўйганман. У Тошкентдаги қариндошларимизникида яшайди. Қолаверса, мустақилликка ўрганани, пишади.

Шу тариқа Серикбой Аҳмедов пойтахтдаги 82-мактабда ўқиди. Ушбу мактабда физика-математика фанларидан ҳақиқатан ҳам чуқур билим берилганлиги боис, мактабни битиргач, у Ўзбекистон кибернетика институтига ишга кирди. Кўп ўтмай армияга кетди. Бир йил Ленинград шаҳрида, яна бир йил Германияда хизмат қилди. Армиядаги хизмат даврида алоқачилик касбини ўрганди. Хизматдан қайтгач, собиқ СССР Алоқа вазирлигига қарашли ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасига электромонтер бўлиб ишга кирди. Ҳарбий хизмат давомида ўрганганлари иш жараёнида қўл келди. Билмаганларини ҳамкасбларидан ўрганди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент электро-техника алоқа институтида ўқиб, олий маълумотли мутахассис даражасига эришди.

— Йигирма беш йил давомида ертўлада ишлашимга тўғри келган, — дейди Серикбой ака. — Лекин касбини қадрлаган одамга қийинчиликлар билинмас экан. Аслида касби қадрига етмаган одамнинг ишида

миз. Негаки, ҳар иккимиз ҳам одамларнинг ҳожатини чиқарадиган касбамиз, ишимиз савобли, мақсадимиз эзгу.

Серикбой Аҳмедовнинг “ШАК” филиали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўлимини бошқараётганига ҳам ўн йилдан ошди. Бу йиллар мобайнида у ходимлар саломатлигини муҳофазалаш йўлида анчагина ишларни амалга оширди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича чиқарилган қонун ва кўрсатмаларнинг тўлиқ амалга оширилишига эришди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича юқори ташкилотлар топшириғи тўлиқ бажариляпти. Филиалнинг жойлардаги бўлимлари ҳам ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Ишдан роҳат топаётган, оиласидан хотиржам одам шижоатга бой бўлади, деганларидек, Серикбой ака фахрийлик ёшида ҳам ёшлардек ғайрат-шижоат билан меҳнат қилапти.

С.Аҳмедовнинг ҳава қилса арзулик фарзандлари бор. Биз билан суҳбат давомида у Тошкент давлат жаҳон тиллари олийгоҳини битириб, бутунни кунда “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” давлат унитар корхонаси 1-бўлимини бошқараётган қизи Айсулув, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини битириб, Тошкент ахборот-технологиялари коллежида директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Нурсулв, боғча тарбиячиси Малика ҳамда Республика ахборот-ресурс маркази мутахассиси Айгеримлар ҳақида фахруифтихор билан гапирди. Дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар, кимки ҳалол меҳнат қилса, элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар сафида бўлса, ҳурмату эъзоз топиши мумкин бўлган ажойиб юрда яшаётганлигидан бахтиёр эканлигини билдирди.

Бу туйғулар Серикбой Аҳмедовга янада кўпроқ ғайрат бағишлаётгани рост.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Хабар” муҳбири

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ” ЖАМОАСИ

Ҳар бир йилни катта
зафарлар билан яқунлашга
эришаётган Ўзбекистон
фуқароларини

Янги йил билан

самимий табриклайди.

2011 йил ютуқларга янада
бой бўлсин, қадрдонлар!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча-барчани ажойиб
байрам — Янги йил
шодиёнаси билан
муборакбод этади.

Эзгу орзу-
ниятларингиз Янги
йилда рўёбга чиқишини
тилаб қоламиз!

“Менинг мусиқам” хизматига уланиш бепул

“Билайн” абонентларига “Менинг мусиқам” хизматига (Ring Back Tone (RBT) — кутиш гудоклари ўрнига мусиқа) бепул уланишни тақдиф этади. 2011 йил 15 февралга қадар “Билайн” абонентлари нафақат RBT фойдаланувчисига айланиши, балки гудоклар ўрнига янги йил оҳангини мулқоқ бепул улаштишлари мумкин.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, “Юнител”нинг жамоатчилик билан алоқалар хизмати катта менежери Ораз Абдураззоқов шундай деди: — Биз абонентларимиз учун янги йилда байрам шукуҳини яратиш мақсадида шу ишга қўл урдик. Аминманки, “Менинг мусиқам” орақиб кутилаётган байрамга бирмунча сеҳр ва жозиба бахши этади.

Акциядан олдиндан тўлаш тизимидаги барча абонентлар фойдаланишлари мумкин. Акцияда иштирок этиш учун гудоклар ўрнига мусиқа ўрнатилса бас, “Менинг мусиқам” хизмати автоматик тарзда ёқилади. Янги йил оҳангини бепул ўрнатиш учун 8000445 ёки 8000446 кодли SMSни 0644 рақамига юбориш керак. Мусиқаларни <http://sm.beeline.uz> сайтида эшитиб кўриш мумкин.

TeliaSonera: “Мобил алоқа ва жамият”

Мобил алоқа жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланди, яқин ўтмишда тасаввур қилиш мумкин бўлмаган имкониятлар ҳозирда мобил технологиялар томонидан тақдим этилмоқда. Бугунги кунда биз жаҳон мобил технологиялар тараққиёти тезкор ўсишининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Айнан шу жараёни инobatга олиб, Европадаги энг йирик телекоммуникация компанияларидан бири — TeliaSonera “Мобил алоқанинг жамият тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро конференция ўтказди. Боку шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда мобил алоқанинг ижтимоий ва иқтисодий мақсадларда ишлатиш учун инновацион имкониятлари таҳлил қилинди ҳамда уяли алоқа операторларининг жамият ҳаётидаги ўрни муҳокама этилиди.

Конференцияда TeliaSonera гуруҳининг вице-президенти ва корпоратив алоқалар бошлиғи Сесилия Эдлстром, TeliaSonеганинг Евроосиё минтақаси бўлими ва компаниялари бошлиқлари, турли давлатлардан журналистлар қатнашдилар. Айтиб ўтиш жоизки, UCell савдо белгиси тақдифи билан мазкур анжуманда Ватанимиздан уч нафар журналист ҳам иштирок этди.

Мавлумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида UCell савдо белгиси остида фаолият олиб борадиган ХК Coscom МЧЖ компанияси ҳам

TeliaSonera таркибига кириди. Шу сабабли конференцияда UCellнинг бош директори жаноб Огуз Мемигювен компаниянинг мамлакат телекоммуникация тармоғи тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳамда ижтимоий лойиҳалари ҳақида маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, UCell абонентлари сони 7 миллиондан ортди ва компаниянинг алоқаси инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутиш билан бирга, ўзро мулоқотни кучайтирмоқда.

Конференцияда мобил бизнес ва мобил жамиятга тегишли турли масалалар муҳокама этилди. Мобил алоқанинг ижтимоий соҳага ҳиссаси, мобил ҳуқуқат, мобил таълим ва соғлиқни сақлаш, бизнес ва талбиркорлик учун алоқа каби мавзулар кўриб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари таъкидлашича, уяли алоқа операторлари нафақат мулоқот воситасини яратиш берадилар, балки мобил технологиялардан келиб чиқувчи янги имкониятларни туғдирадилар. Масалан, мобил алоқа технологиялари ҳуқуқат ва жамият орасидаги янги мулоқот воситаларини яратишга ёрдам беради. Бу жаҳонда m-government, яъни “мобил ҳуқуқат” деб номланади.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш соҳасида мобил технологияларни ишлатиш борган сари оммавийлашиб бормоқда. Бундай технологиялар уяли

алоқа телефон эгалари доимий равишда тиббий муассасалар билан алоқада бўлиш, тезкор тиббий маслаҳат олиш каби хизматларни тақдиф этади.

Масофали таълим ҳам бугунги кунда катта эътиборни жалб қилмоқда. Шундай таълимнинг бир қисми сифатида мобил таълим ҳам ривожаниб бормоқда.

TeliaSonera Скандинавия, Болтиқбўйи давлатлари, Испания ва Евроосиёдаги ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, Россия ва Туркияда фаолият олиб боради. Бугунги кунда TeliaSonera умумий аҳолиси 460 миллиондан иборат 20та давлатда иш юритади. 2009 йил натижаларига кўра, TeliaSoneraга тегишли акциялари бўлган компаниялар 147,6 миллион аҳолига хизмат қилиб келмоқда. 2010 йил феврал ойи натижаларига кўра, TeliaSonеганинг бозор қиймати 30 миллиард АҚШ долларига тенг.

TeliaSonera Евроосиёнинг тараққий этаётган бозорларида Қозоғистон (Kcell), Озарбайжон (Azercell), Грузия (Geocell), Молдова (Moldcell), Тожикистон (Teell), Ўзбекистон (UCell), Непал (Ncell) ва Камбоджада (StarCell) етакчи уяли алоқа операторларининг асосий акциядорлик капиталига эга. Бундан ташқари, TeliaSonera Россиядаги МегаФон ҳамда Туркиядаги Turkcell компанияларининг миноритар акцияларига ҳам эгадир.

Одатда янги йилни 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси қарши олишга одатланиб қолганмиз. Шу кунни дунёнинг кўплаб халқлари орақиб кутиладиган янги йил билан юзлашадилар. Бирок янги йилни жаҳон халқлари турлича, турли кунларда ва турли ойлarda нишонлашгани ҳамма ҳам билвермас керак.

Янги йилдаги турфа одатлар



Дастлабки Янги йил ой тақвими бўйича нишонланади. Ҳайит байрами сингари турли саналарга тўғри келиб, асосан мусулмон оламида янги йил қамарий ҳисоб бўйича ҳижрий-янги йил саналади. Бу асосан Покистон, Эрон, Афғонистон ва араб мамлакатлари халқларига тегишлидир. Грецияда эса янги йил январ ойининг ўртасида, 14 январда авлиё Василий кунни байрам қилинади. Шу кунни Греция кичкинтойлари этикчаларини ечиб қолдирадилар. Наврўз байрами кенг нишонланаётган кўкдамда, яъни 21 мартда Марказий Осиё, Эрон, Покистон, Афғонистон, Озарбайжон ва Туркия халқлари янги йилни кутиб оладилар. Сал кейинроқ ҳиндлар янги йилни қарши олиш учун ошиқадилар. Уларда янги йилнинг бир неча кунлари бор. Шундан Гуди Павда куниди ҳиндлар ним-нима дарахтининг аччиқ баргларини дарахт ва балолардан ҳолис бўлиш учун татиб кўрадилар. Украинанинг бир қисм аҳолиси 1 апрелда янги йилни байрам қиладилар. Апрельнинг 13-кунни шунингдек, Шри-Ланка ва непалликлар учун ҳам янги йил байрами.

Лаосликлар эса бир кундан кейин — 14 апрелда, Бирма халқи эса маданият вазирлиги томонидан эълон қилинадиган санани илҳақ кутадилар. Бу сана апрел ойининг ўртасига тўғри келиб, уч кун этиб белгиланади. Таиландда ҳам шу даврда нишонладиган янги йил байрами Сонгаркан деб номланади. Мазкур давлат ҳуқуқати 1 январда янги йилни нишонлаш тўғрисида қарор ҳам қабул қилган. Майя қабилалари учун 16 июль ёз чилласи янги йил, Жибути ва Ниге-

рияда август ойида кириб келади. Сурия учун 1 сентябрда янги йил бошланса, яхудийлар ҳам шу кунни байрам дастурхонини тузайдилар. Эфиопияда 11 сентябрда, Гамбияда 7 октябр янги йилдан дарак беради. Индонезияда ҳам октябрда янги йил қарши олиниб, одамлар янги кийимларни киядилар, гиналарни унуттишга ҳаракат қиладилар. Яманда 18 ноябр кунни, Океания ва Гавай оролларида янги йил ноябр ойининг ўрталарида тўғри келади.

Шотландия, Ирландия, Мэн оролидаги келт тилида сўзлашувчилар 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечасини янги йил сифатида кутадилар.

Узоқ ва олис австраликлар Янги йилни йил боши куниди, яъни 1 январда нишонлайдилар. Бу вақтда Австралияда кун жузда иссиқ бўлиб қорбобонинг қалин кийимлари бўлмайди. Эскимосларда янги йилнинг аниқ санаси йўқ. Бу ерда қачон биринчи қор тушса, шу кунни Янги йил. Қадимги мисрликлар ананасга кўра ёз фаслида, Нил дарёсининг тошган вақтини кутадилар. Қадимги Юнистонда эса 22 июнда янги йил нишонланган.

Нима бўлганда ҳам Янги йил оилавий байрам ҳисобланади. Қаерда, қандай кутиб олинмасин ҳамма бир-бирларига яхши истақлар билдиришади. Амалга ошира олмаган ишлари янги йилда рубёга чиқишини истайдилар.

Остонада турган Янги йил барчамиз учун орзу-умидлар йили бўлсин.

Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Марғилон почта алоқаси тармоғи ходими Шарофатхон ЖҰРАБОЕВА-ни муборак 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

“Фарғона Телеком” филиали жамоаси Қўқон телекоммуникациялар боғдамаси ходими Рақия АБДУ-РАҲМОНОВАни 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахтиқболлигини тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоғистон филиали Тўрткўл туман почта алоқаси тармоғи ҳамда касабга уюшмаси қўмитаси жамоалари Тўрткўл 1-алоқа бўлими почтачиси Қўчқор ШАРИПОВни 60 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

Олимпиададага тайёргарлик

Мамлакатимиз спортчилари 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун изчил тайёргарлик кўрмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида" - ги қарориди белгиланган вазифаларнинг ижроси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда спорт федерациялари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Юртимизда олимпиадачилар тайёргарлигининг ноёб тизими яратилди. Бугун иқтидорли спортчиларимиз жаҳоннинг энг нуфузли спорт му-

собақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастурга кўра, спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Жорий йил 14-26 август кунлари Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпия ўйинларида спортчиларимиз уч кумуш ва олти бронза, жами тўққиз медални қўлга киритган бўлса, 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Йиғилишда айрим спорт турлари бўйича спортчилар захирасини яратиш, малакали мураббийлар тайёрлаш, ўқув-машғулот базаларининг моддий-техник имкониятларини оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.



СОҲА ФУТЗАЛИ: РАҲБАР-ХОДИМЛАР ЎРТАСИДА НАВБАТДАГИ ТУРНИР

Жорий йил 17 декабр куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг кўчма соврини учун футбол мусобақаларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2010 йил соҳа кубоги учун ўтган мусобақаларнинг якунлари кўриб чиқилди.

Иштирокчилар жорий йил 23-26 сентябр кунлари ўтган финал босқич мусобақалари ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказилганлигини таъкидлашди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ва катта ёшдаги ходимлардан тuzилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича Республика мусобақаларини ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Натижада, мазкур турнир 2011 йил 10-13 феврал кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг спорт залида ўтказилиши белгиланди. Мусобақаларда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари (жами 14 жамоа) иштирок этиши кутилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур баҳсларда иштирок этиш учун барча жамоалар 2010 йил мобайнида астойдил тайёргарлик кўрдилар. Тошкент шаҳри терма жамоаси ўз машғулотларини ТАТУ спорт залида сентябр ойидан буён ўтказиб келмоқда.

Уч кун мобайнида ўтказилиши кўзда тутилган бу мусобақаларнинг тартиби максимал даражада соҳа кубоги учун финал мусобақаларини ўтказиш тартибига яқинлаштирилган. Жамоалар аввалига тўртта гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Фарқи шундаки, мусобақаларда иштирок этувчилар ёшларини инобатга олган ҳолда, ўйин бўлиmlари 20 дақиқа эмас, балки 15 дақиқани ташкил этади ва ушбу мусобақаларда иштирок этувчи жамоалар сони 12та эмас, балки 14та бўлиши кутилмоқда.

Раҳбар-ҳодимлар ўртасидаги турнир илк бора 2005 йили ташкил этилган. Унда ЎзААА тизимига кирувчи Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар раҳбар ходимларидан тuzилган 20та жамоа иштирок этган эди. Ўшанда "Тошкент почта" жамоаси 1-ўрин, Агентлик жамоаси 2-ўрин, "Тошкент Телеком" жамоаси 3-ўринни эгаллаган эди.

2006 йили эса мазкур мусобақа республика миқёсида ўтказилган. Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт аренасида ўтган баҳсларда барча вилоятлар терма жамоалари, Тошкент шаҳридан: ЎзААА, "Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи"нинг бирлашган терма жамоаси, "Ўзбектелеком" терма жамоалари — жами 16 жамоа иштирок этган эди. Финалда ЎзААА ва Тошкент вилояти жамоалари учрашиб, Агентлик жамоаси 6-1 ҳисоби билан голиб чиққанди. Учинчи ўрин учун Жиззах ва Қашқадарё вилоят терма жамоалари учрашиб, жиззахликлар ўз рақибларини 5-0 ҳисоби билан маълум қилган эдилар.

2011 йил 10-13 феврал кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги турнир ҳам қизиқарли баҳсларга бой бўлади, деган умиддамиз. Зеро, жамоалар ихтиёрида яқуний тайёргарлик машғулотларини олиб бориш учун яна бир ойдан ортиқ вақт бор.

Икки олтин ва бир бронза

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган аънаваный халқаро турнирда боксчиларимиз икки олтин ва бир бронза медални қўлга киритди.

49 килограмм вазн тоифасида рингта чиққан иқтидорли боксчимиз Шаҳобилдин Зоиров ирландиялик Эван Меткалф ва қозоғистонлик Ержан Жомард устидан галаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида озарбайжонлик Жўшқин Алиев ва россиялик Залибек Жимаилловни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Акмал Қосимов олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир боксчимиз Улугбек Мубинов 91 килограмм вазн тоифасида бронза медални қўлга киритди.

Гимнастикачиларимиз муваффақияти

Москва шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта бронза медални қўлга киритди.

Ўттизга яқин давлатдан маҳоратли гимнастикачилар иштирок этган мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида Осиё ўйинлари совриндори Луиза Галиулина хода устида машқ бажаришда 13 балл, брусда бажарилган машқ бўйича 13,15 балл жамғариб, иккита бронза медални қўлга киритди. Яна бир иқтидорли гимнастикачимиз Даря Елизарова эркин машқ бажариш бўйича 13,85 балл билан шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Ўзбек спорти маликалари

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Зангиота туманида "Спорт маликаси — 2010" кўрик-танлови ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўрт нафар иқтидорли спортчи қиз қўллаб қизқарли шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Спортчи қизларнинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билими ҳам синовдан ўтказилди.

Тошкент вилояти вакиласи Зиёда Ризаева йилнинг "Спорт маликаси" гран-приси билан тақдирланди. Хоразмлик Гулзода Мадаминова биринчи, пойтахтлик Зулфия Аҳмаджонова иккинчи, самарқандлик Шаҳноза Қўнғирова учинчи ўринни эгаллади.



Автобуслар Дохада ўз йўловчиларини кутяпти

Дохада Осиё Кубоги давомида терма жамоаларга хизмат қиладиган махсус автобусларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдимот давомида барча терма жамоаларнинг автобуслари, шу жумладан, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг автобуси ҳам намойиш этилди. Автобусимизга «Куч бирликда» шiori туширилган. Қўтга чемпионатида иштирок этадиган барча жамоаларнинг автобуслари мамлакат байроғи билан безалган.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси жамиятнинг назорат таҳлил ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи етакчи муҳандиси

Алфия МАННАПОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



АЛОҚАВАНК

*ОАТ «Алоқабанк» барча юртодошларимизни,
фидокорона меҳнат қилаётган ақулядорларимизни,
мижозларимиз ва ҳамкасбларимизни*

кириб келаётган Янги йил


билан самимий мувофакбат этади.

*Янги — 2011 йилда Сизларга тинчлик,
узок умр, сизхаш-саломатлик тилайди!*

Банк ўз мижозларига куйидаги янги хизматларни таклиф этади:



**Юридик ва жисмоний шахслар учун
ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ**



VISA Classic карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.

ОАТ «Алоқабанк» VISA Classic карточкаси сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк аҳолига жозибадор омонатларини таклиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.aloqabank.uz
info@aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил
САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои
НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтаининг
жума кунин
чиқади

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

G-1102 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Адали: 10151 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Видеот
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 226-87-71

Қаршида 314-08-99